
ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

Бахтиёр Пулатов,

Келиб тушган сана 12 март, 2018
Эълон қилинган сана 20 май, 2018.

Ўзбекистон Республикаси Бош
прокуратураоасининг
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси,
ю.ф.д., профессор.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2018-2-4>

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ВА ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ОИД ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

Аннотация: мақолада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш масалалари ва ривожланган хорижий мамлакатлар (Россия, Беларусь, Германия, АҚШ, Канада, Япония) тажрибаси таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш, хорижий мамлакатлар тажрибаси, Россия, Беларусь, Германия, АҚШ, Канада, Япония.

Аннотация: в статье анализированы вопросы повышения эффективности борьбы с преступностью и профилактики правонарушений, а также опыт продвинутых зарубежных (России, Беларусь, Германии, США, Канады, Японии) стран.

Ключевые слова: Профилактика правонарушений, борьба с преступностью, опыт зарубежных стран, России, Беларусь, Германии, США, Канады, Японии.

Annotation: AnataThe article analyzes the issues of increasing the effectiveness of the fight against crime and the prevention of legal abuses, as well as the experience of advanced foreign countries (Russia, Belarus, Germany, USA, Canada, Japan).

Key words: Prevention of right-handedness, fight against crime, experience of foreign countries, Russia, Belarus, Germany, USA, Canada, Japan.

Хозирги шароитда давлат ва унинг органларининг энг асосий фоолият йўналишларидан бири жамоат тартибини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш вазифаларини бажариш ҳисобланади. Жиноятчиликка қарши курашда эса, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси муҳим ўрин тутди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолиятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишини кучайтирилиши мамлакатимизда миллий қадриятлар, инсон соғлиғи,

ҳуқуқ ва манфаатларини жинойи тажоввузлардан ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга мурожаатномасида, мамлакатимизда хавфсизлик масалаларига эътиборни қаратиб "...вакиллик органлари фаолиятини тубдан ўзгартириш бўйича зарур чораларни кўриши мақсадга

мувофиқлиги, ...маҳалла раислари, профилактика инспекторлари, имом-хатиблар, диний-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, ёшлар, хотин-қизлар ташкилотлари фаоллари - барча-барчамиз биргаликда иш олиб боришимиз лозимлиги, ...ўз боламизни, ўз уйимиз, ўз маҳалламизни ўзимиз асрайдиган бўлсак, мен ишонаман, бало-қазолар ҳаётимиздан албатта йироқ бўлади" деб фикр билдирди.

Бу соҳадаги ишларни тўғри ва самарали ташкил қилиш учун эса, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш самара беради.

Жумладан, Россия Федерациясида жамоат тартиби ва жиноятчиликка қарши курашишни таъминлаш Россия Федерацияси Президентининг 2015 йил 31 декабрдаги "Россия Федерацияси миллий хавфсизлик Стратегияси тўғрисида"ги 683-сонли Фармони билан тасдиқланган Россия федерациясининг миллий хавфсизлик Стратегияси ҳамда Россия Федерацияси Ҳукуматининг 2014 йил 15 апрелдаги 345-сонли қарори билан тасдиқланган (Ҳукуматнинг 2017 йил 31 мардаги 385-сонли қарори билан киритилган ўзгартишлар билан) "Жамоат тартиби ва жиноятчиликка қарши курашиш давлат дастури" асосида олиб борилади [1]. Давлат дастурининг амалга оширилишининг аниқ натижалари Россия Федерацияси ИИВнинг ҳар йиллик ҳисоботларида эълон қилинади [2].

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид Россия Федерацияси Пенза вилоятининг тажрибаси диққатга сазовор кўринади. Бу вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг база модели ишлаб чиқилган, модел тўрт поғонани ўч ичига олади, яъни тизим: - корхона, муассасаса ва ташкилотларда; -

посёлкаларда; - муниципаль район ва шаҳар округларида; - вилоят хокимияти ва бошқарув органларида фаолият юритади.

Вилоятда жиноятчиликни олдини олиш тизими асосини давлат хокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, муниципал тузилишлар, хўжалик субъектлари, жамоат бирлашмалари ва аҳолининг жиноятчилик ва бошқа қонунга зид ҳаракатларга қарши курашиш фаолияти ташкил қилади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг кўп босқичли тизими шакллантирилганидан бери Пенза вилоятининг жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликлар профилактикасига йўналтирилган 17 та қонуни, вилоят ҳукуматининг 18 та қарори, 2,5 мингга яқин маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг турли қарорлари тайёрланган. Вилоятда жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид 24 та турли дастурлар амал қилади ва "Пенза вилояти ҳудудида ҳуқуқбузарликлар профилактикасида алоҳида хизматлари учун" ҳурмат белгиси нишони жорий этилган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири фуқаролик жамияти институтларининг тузилиши ҳисобланади. Вилоятда 712 та ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича жамоатчилик иттифоқлари тузилиб, фаолият кўрсатмоқда. Мазкур иттифоқларнинг профилактик фаолиятига ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этиши эҳтимоли мавжуд бўлган 10 мингдан зиёд фуқаролар қамраб олинган.

Болаларни маънавий ва ахлоқий тарбиялаш борасида тарбия муассасаларида тузилган ота-оналар жамоатчилик иттифоқлари фаол иш олиб бормоқдалар. Вилоят таълим

муассасаларида 499 та "додалар" ва "бувилар", 580 та оталар иттифоқлари тузилган.

Таълим муассасалари базасида йўл ҳаракати ёш инспекторлари, полиция ёш ҳамкорлари, ёш қутқарувчилар, ёнғинга қарши ёш дружиначилар бирлашмалари фаолият кўрсатади, улар ишида 25 мингдан зиёд ўқувчилар иштирок этади.

Физкультура ва соғломлаштириш комплекслари сонининг кўпайиши натижасида, соғлом яшаш тарзи, оммавий спорт ва физкультура ҳаракатини, жисмоний тарбия сифатини ошириш ва ёшлар орасида бошқа ижобий ҳислатларни тарғибот ва ташвиқот қилишда катта имкониятлар вужудга келди.

Пенза вилояти жамоатчилик ташкилотлари 2,4 минг одамдан иборат 44 та ёшларнинг тезкор дружина отрядига эга. Бу отрядлар вояга етмаганлар жиноятчилиги профилактикаси ва ёш авлодни тарбиялаш жараёнига фаол қўшилган. Кўрилаётган чоралар натижасида вилоятда рўйхатга олинган жиноятчилик кўрсаткичи икки баробарга камайган. Пенза вилоятида яратилган жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид давлат тизими ижобий тажриба сифатида Россия Федерациясининг бошқа субъектларида ҳам жорий қилишга тавсия қилинган [3].

Белорусь Республикасининг 2003 йил 31 майдаги "Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги ва назоратсизлиги профилактикаси тизими асослари тўғрисида"ги қонундан ташқари Республика Президенти томонидан 2006 йил 24 ноябрда қабул қилинган "Ижтимоий хавфли оилалардаги болаларни давлат ҳимоясига оид қўшимча чоралар тўғрисида"ги Декрети асосида Беларусь Республикаси Ҳалқ

таълими Вазирлигининг қарори (2004 йил 28 июль, 2011 йил 25 июлдаги қўшимча, ўзгартишлар билан) билан тасдиқланган "Давлат ҳимоясига мухтож вояга етмаганларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома" ишлаб чиқилиб, амал қилади.

Мазкур Йўриқнома давлат ҳимоясига мухтож болалар тоифаларини ҳамда бундай фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилайди. Вояга етмаганлар профилактикаси тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- бошланғич профилактикани (Ижтимоий хавфли аҳволда бўлган оилалардаги яшаш ва тарбияланиш шароитлари оғир бўлган вояга етмаганларни, бундай шароитлар уларнинг тарбиясига салбий таъсир қилгунга қадар, бундай вазиятни соғломлаштириш ва уларга ёрдам бериш);

- бевосита профилактикани (Жиной ҳарактерга эга бўлмаган ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни тузалишини таъминлаш ва уларни жиноят содир этиш йўлига қиришига йўл қўймаслик);

- жиноий ҳулқ-атворни тузатиш профилактикаси (Мунтазам равишда ҳуқуқбузарликлар содир этадиганлар, ҳарактерига кўра яқин келажакда жиноят содир этиши эҳтимоли мумкин бўлган шахсларни тузалиши учун шароитларни яратиш ва жиноят содир этиш йўлига ўтишига йўл қўймаслик);

- рецидив профилактика (муқаддам жиноят содир этган успиринларни қайта жиноят содир қилишини олдини олиш, бундай шахсларни қонунга итоаткор вояга етмаганларнинг ҳулқига салбий таъсир қилишига йўл қўймаслик) [4].

Германияда "Болалар ва ёшларга ёрдам тўғрисида"ги қонун қабул қилинган. Мазкур қонуннинг

маъносини қўйидаги мазмун билан боғлаш мумкин: "Бола қудуққа яқинлашгунга қадар, унга ёрдам, яъни оила ижтимоий хавфли вазиятга тушгунга қадар, носоғлом вазият энди-энди куртак олаётган пайтда тарбияга ёрдам келиши лозим".

Бу қонун билан, бола тарбиясида қийинчиликлар мавжуд бўлган оилаларга ёрдам кўрсатувчи хизмат ва муассасалар тизими тасдиқланган. Бундай ёрдам ҳар ҳил турдаги ижтимоий, ижтимоий-психологик, ижтимоий-педагогик шакллардан иборат. Шунингдек, бундай ёрдамни молиялаштириш ва бошқариш тизимлари манбаалари ҳам белгиланган.

Муассасалар ва хизматлар фаолиятини таъминлаш ресурсларининг 80% жамоат ташкилотлари ва бирлашмалари зиммасига тўғри келади. Бундай ташкилотлардан бири "АВО" - "Рабочее братство" (Ишчи бродарлик) ҳисобланади. "АВО" мутахассислари ижтимоий жихатдан хавфли аҳволда бўлган оилалар болалари, яъни "Малинкий Эдик" (Кичик Эдик) ёки бошқа жойлардан кўчиб келган мухожирлар ва мигрантлар болалари учун узайтирилган кун гуруҳи ишини таъминлайдилар. Бу нодавлат ташкилотининг мақоми "Болалар ва ёшларга ёрдам тўғрисида"ги қонунни амалга оширишга йўналтирилган нафақат давлат молиявий маблағларидан фойдаланиш, балки фуқаролик жамияти ресурслари, яъни хомийлик манбааларидан, хомийларнинг шахсий иштирокидан фойдаланиш имконини беради [5].

Статистик маълумотларга кўра, асосан жиноят содир қилинадиган жой кўча ҳисобланади. Европа давлатлари ва АҚШ да бу муаммога алоҳида эътибор берилади. Жумладан, Германияда ёшлар бўйича ижтимоий хизматлар

фаолиятида - "Уличный педагог" (Кўча педагоги) йўналиши мавжуд [6]. Ҳамма давлат полициясида вояга етмаганлар билан ишлашга ихтисослаштирилган таркибий тузилмалар мавжуд. Лекин ҳаммага маълумки, ҳар бир успиринга мутахассисни, шунингдек полиция ходимини бириктириб қўйишни имкони мавжуд эмас. Айнан шундай вазиятда успиринлар ҳуқуқбузарлиги профилактикасида "Кўча педагоги" каби жамоатчилик ресурслари ролининг аҳамияти катта бўлади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид хорижий тажрибани ўрганиш, гарб мамлакатларда бу фаолиятга дастурли ёндашув кенг тарқалганлиги юзасидан хулоса қилиш мумкин. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид мақсадли дастурларда аҳолининг иштироки асосий ташкилий шакл сифатида кўзга ташланади. Бундай дастурларда полиция фаолияти минималлаштирилиб, унинг функцияси асосан жорий ташкилий масалаларни ҳал қилишдан иборат. Профилактик тадбирлар асосан фуқаролар кучи билан ўтказилади.

Жаҳоннинг кўп давлатларида ўзининг самарадорлигини кўрсатган дастурлар доирасига (Мисол: Буюкбритания, АҚШ, Канада, Германия, Индия, Австралия) [7]: - "Соседский надзор" (Кўшни назорати) (neighborhood watch) - белгиланган ҳудудда жамоат тартиби сақланиши устидан қўшни жамоатчилик ташкилотларнинг ташкил қилиниши (Полиция ходимларининг бу дастурдаги иштироки ҳамкорликдаги тадбирларни ташкил қилиш билан чегараланади); - ташқи қамров орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил қилиш дастури "Рабочие окна" (Ишчи дераза) (crime prevention through environment design (broken window №9)) эса - жиноят содир қилишга

шарт-шароит яратувчи факторларни бартараф этиш, бош ғоя "тўғри дизайн ва ҳудуддан самарали фойдаланиш" жиноят содир қилинишини, жиноят хавфини камайтиради, яшаш сифатини оширади; - "Остановим преступность" (Жиноят содир қилинишини тўхтатамиз)(crime stoppers) дастурининг эса фуқароларни полиция билан ҳамкорлик қилишга чорлаш, полиция ходимлари билан алоқада бўлиш имкониятларини яратиш, гувоҳлар ҳақидаги маълумотларни ананимлигини таъминлашда аҳамияти катта [8]; - шунингдек, алоҳида ижтимоий гуруҳлар - болалар, усмирлар учун хавфсизлик дастурлари ва бошқаларни келтириш мумкин.

Ёшлар ва вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси доирасида ўқувчиларнинг антисоциал хулқига оид факторлар сонини камайтиришга йўналтирилган мактаб ва Олий таълим муассасалари учун тузилган дастурлар қизиқиш уйғатади. Бу дастурлар асоси - ўқувчилар, ота-оналар ва маҳаллий жамоатчилик билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш орқали амалга оширилади. Шунингдек, бу дастурларда ўқув муассасалари ва ўқув жараёнида ўқувчиларнинг негатив хулқини минимумга келтириш кўзда тутилади.

Ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларни олдини олишга йўналтирилган профилактик дастурлар туридан бири - ёшлар лагерларини ташкил қилиш ҳисобланади. Бундай дастурларда ёмон-сальбий хулқи билан кўзга ташланган, мактабдан четлатилган, дарсларни мунтазам ўтказиб юбуровчи мактаб ўқувчилари иштирок этадилар. Лагерлар мактаблар базасида ташкил қилиниб, улар полиция ходимлари томонидан бошқарилади. Лагерларнинг йўналишига қараб уларнинг ишида ўқитувчилар,

жамоатчилик ва маҳаллий аҳолининг бошқа вакиллари иштирок этадилар.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг чоралари асосан жиноят содир қилган шахсга ёки хавфсизлик тизимига, унинг таъминланишига ёки жиноят қурбонига йўналтирилган бўлиши лозим. Қайд қилинган йўналишларда алоҳида эътибор жиноятни олдини олиш мақсадига йўналтирилган ишга ва жиноят қурбонини ўзини-ўзи ҳимоя қилиш чораларига йўналтирилганлигига қаратилади.

Германияда жиноятчиликни олдини олиш полициянинг иши деган тушунча мавжуд эди. Ўтган асрнинг 60 йилларидан бошлаб бу саҳада жамоатчилик билан ишлаш масалаларига алоҳида урғу берилиб, ўзини-ўзи ҳимоя қилишга йўналтирилган, тўғри ҳаракат ёрдамида жиноят қўрбони бўлиб қолмаслик юзасидан аҳолига консультация бериш, бу мақсадларда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича бепул маслаҳатларни тарғиб қилиш, бу масалада радио ва телевидениеда "Жиний полиция маслаҳат беради" рукинида эшиттиришларни кўрсатиш амалиёти амалга оширила бошланди[9].

АҚШда бундай фаолиятнинг уч модели мавжуд: - жамоат муассасалари модели; - шахс хавфсизлиги модели; - теваарак атроф орқали таъсир қилиш модели. Штатлар ва маҳаллий поғонада жиноятчиликни олдини олиш дастури амалга оширилади. Жамоат тартибини мустаҳкамлашда фуқароларнинг иштироки айрим штатларда жиноятчилик кўрсатгичини салмоқли қисқаришига олиб келган.

Канадада жамоат жойларида жамоат тартибини сақлаш бўйича фуқароларнинг назоратчи сифатида иштироки кенг қўлланилади. Улар фуқаролик

патруллари сифатида полиция билан ҳамкорликда ҳаракат қилиб, аҳолининг шахсий хавфсизлигини хис қилишларини қувватлайдилар ва жиноят содир қилиниши мумкин бўлган ҳолат олдида қурқувни пасайтирадilar. Қатор ҳолатларда жиноят содир қилиниши юқори бўлган зоналар атрофида, айниқса кечки пайтда фуқароларнинг назоратчи постлари ташкил қилинади.

Буюкбританияда криминал хавфсизликнинг минимал стандартлари ишлаб чиқилган бўлиб, унда жиноятчиликни олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятига, полиция билан ҳамкорликда, аҳолининг кенг жалб қилиниши амалиётдан фойдаланилади (криминаген районларда навбатчилик, патрул хизмати ташкил қилиниши). Жамоатчилик вакилларига унвон белгиларисиз ва атребутикасиз полиция хизмат либослари, радио алоқа воситалари, резина таёғи ва хизмат билан боғлиқ бошқа воситаларни бепул бериш амалиёти қўлланилади. Қайд қилинган фаолият давлат ва жамоатчилик томонидан ҳам моддий, ҳам ахлоқий қувватланади.

Ғарбий Европа ва АҚШда "Жиноий тажаввуддан ўзингни, оилангни, яшаш жойингни, мулкингни ҳимоя қилиш"ги оид жуда кўп мақолалар, қўлланмалар чоп этирилган. Жиноят ишлари бўйича жиноят қурбони ва гувоҳларни ҳимоя қилиш дастурлари амалга оширилиб келинмоқда. Ҳамма ўқув муассасаларда - бошлонғич мактабдан, то Олий ўқув юртига қалар - виктимология асосларида машғулотлар ўтказилади.

Хохловчилар нафақат лекцияларни эшитиши, балким махсус тренинглардан ўтиши мумкин, ўзини ҳимоя қилиш қоидаларини ва экстремал вазиятларда оптимал ҳулқ қоидаларини эгаллаши мумкин.

Японияда жиноятчиликни олдини олиш фаолиятига аҳолини жалб қилиш учун Бош полиция бошқармаси, Адлия вазирлиги, бошқа давлат ва муниципаль органлар кенг ва фаол тарғибот ишларини олиб борадилар. Хусусан, мамлакатда ҳар йили аҳолини ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасида давлат сиёсатини жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш ойлиги компанияси ўтказилади. Шунингдек, ҳар йили "Жиноятчилик тўғрисида оқ китоб" ва "Полиция тўғрисида оқ китоб" чоп этирилиб, уларда мавжуд муаммоларни тўлиқ ёритиш орқали, давлат миллий сиёсатнинг оддий бўлмаган бу йўналишидаги ютуқлар, мавжуд камчилик ва қийинчиликлар юзасидан жамоатчилик билан очиқ мулоқат ўрнатади [10].

Хорижий мамлакатларда жиноятчиликни олдини олишда фойдаланиладиган модел, шакл ва методларни ўрганиш, бу фаолиятда тизимлилик, ўхшашлилик (адекватлиликни) таъминлаш, гуманизм ва жамоатчиликнинг ҳамма аъзоларининг иштироки принципларининг мунтазам ҳаракатланишини, шунингдек, ҳар хил мамлакатларда хилма-хил тизимлар, чоралар ҳамда жиноятчиликни олдини олиш воситалари мавжудлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Калемасов В.Н. Государственная политика в сфере профилактики преступности в России: Известия высших учебных заведений. Приволжский регион. Общественные науки. 2011 №4(21). С.52-59.
2. Мороков И.Р. Участие представителей гражданского общества в профилактике безнадзорности и правонарушений несовершеннолетних: зарубежный опыт. Магистрант кафедры Теории и методологии государственного муниципального управления ИГУТ: УрФУ.
3. Колемасов В.Н. Пенза давлат университети, ю.ф.н., доцент. Известия высших учебных заведений. Приволжский регион. УДК 340.0 (90). E. mail. Kolemasov@penza - gorod. ru
4. Костина Е.Н. Деятельность органов внутренних дел по профилактике несовершеннолетних в Республике Беларусь. Компаративистика и зарубежный опыт. "Муждународный университет" (МИТСО). Kostinaa Lena @ yandex. ru.
5. Калинин М.Ю. Государственная политика Германии в сфере социальной и молодежной работе // Образование за рубежом, № 5, с.18-22.
6. Социальная работа в Германии (Электронный ресурс), режим доступа: [http : // Sos - work. Ru \(article\)/ 152/](http://Sos-work.Ru (article)/ 152/)
7. Горовкина Н., Потоцкий А. Зарубежный опыт разработки программ профилактики правонарушений. -М.: Юридический архив. 2014. С.18.
8. Васьков М.Ю., Князев В.В., Сазонов Н.И. Свешникова И.Ю. Участие полиции зарубежных стран в профилактике преступности. -М.: ВНИИ МВД России, 2007, -с. 156.
9. Ананич В.А., Серебрякова И.М. Предупреждение преступности: зарубежный опыт, муждународное сотрудничество. -М.: НОРМА, 2004, С.-109.
10. Григорян В.К. Предупреждение преступности в высокоразвитых зарубежных странах. Актуальные проблемы криминологии. Московский государственный юридическая академия имени О.Е.Кутафинга (Mr. Vaagn @ mail.ru).